АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

М. АТАЖОНОВ

В статье рассматриваются некоторые особенности формирования и развития сельских населенных пунктов Андижанской области.

The article includes some features of forming and developing of local population centers in Andijan region.

Андижон вилояти республиканинг энг чекка қисмида жойлашган ва Ўзбекистоннинг шарқий дарвозаси саналади. Унинг майдони 4,2 минг км.кв ни ташкил этиб, Ўзбекистон Республикасининг 0,9 фоиз ҳудудини эгаллайди, холос. Вилоят ҳудудидан Қирғизистон ва Хитойнинг денгиз портларига борадиган йўллар ўтган. Шу боис вилоятнинг иқтисодий географик ўрни анча қулай, бу унинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига жуда катта таъсир этади.

Андижон вилоятида республиканинг 9 фоиздан ортиқ аҳолиси яшайди. (2549.4 минг киши, 2009 йил). Ҳудудда аҳоли жуда зич жойлашган бўлиб, бу кўрсаткич нафақат республикада, балки МДҲ бўйича энг юқори зичлик кўрсаткичларига эга (601 киши).

Сув манбалари қадимдан суғорма дехқончиликнинг жойлашуви ва ривожланишининг асосий омили вазифасини ўтайди. Андижон вилояти ҳудудидан оқиб ўтувчи дарёлар Фарғона ва Олой тизмаларидаги доимий қор ва музликларнинг эришидан ҳосил бўлади. Энг йирик дарё Қорадарё бўлиб, унинг узунлиги 143 км.га тенгдир. Айтиш жоизки, вилоят Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларига қараганда сув ресурсларига бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг муҳим гидрографик элементлари қаторига Қорадарё ва унинг ирмоқлари, яъни Мойлисув, Оқбўйра, Аравонсой, Шаҳрихонсой ва Тентаксой киритилади. Вилоят ҳудудидан яна Катта Андижон, Катта Фарғона ҳамда Жанубий Фарғона каналлари оқиб ўтади.

Андижон вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг вужудга келиши ҳудудларнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ҳамда демографик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда шаклланган ва ривожланиб бормоқда.

Маълумки, қишлоқ аҳоли пунктлари аҳоли сонига ва бажарадиган функцияларига кўра турли гуруҳларга ажратилади. Аксарият ҳолларда қишлоқ аҳоли пунктлари аҳоли сонига кўра 100 кишигача; 100-500; 500-1000; 1000-3000; 3000-5000; 5000 ва ундан юқори бўлган гуруҳларга бўлинади. Аҳоли сони 3000-5000 кишигача, ва 5000 ва ундан кўп бўлган катта ва йирик қишлоқлар аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда, воҳа ва водийларда, жумладан, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида таркиб топган. Айни вақтда мазкур вилоятларда катта ва йирик қишлоқларнинг улуши улардаги жами қишлоқ аҳоли пунктларининг 1/5 қисмини ташкил этади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг туманлар бўйича тақсимланиши, аввало, ҳудудларнинг табиий-географик, иқтисодий, ижтимоий-демографик ва экологик шарт-шароитлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бунда, айниқса, жойнинг табиий шароити, суғориш манбаларига, йирик шаҳарларга яқин жойлашганлиги катта таъсир кўрсатган. Айтиш жоизки, янги ўзлаштирилган ва тоғолди ҳудудларда жойлашган туманларда аҳоли сони 500 кишигача бўлган кичик қишлоқлар кўпчиликни ташкил этган (Андижон, Бўз туманлари). Мазкур туманларда бундай қишлоқлар вилоят жами кичик қишлоқ аҳоли пунктларининг мос равишда 23 ва 25 фоизини ташкил этган. Аксинча, катта ва йирик қишлоқлар асосан аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда кўпроқ вужудга келган. Кўриниб турибдики, вилоят ҳудудида қишлоқ аҳоли пунктларининг тарихий шаклланишига сув манбалари, ирригация-суғориш тизимлари ўзининг катта таъсирини кўрсатган.

Жумладан, Андижон вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг аҳолиси сонига кўра гуруҳлари бўйича таҳлил қилиш натижасида уларнинг катта-кичиклиги, жойлашувидаги ўзига хос хусусиятлар кўзга ташланади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг аҳолиси 1000 кишигача бўлган кичик қишлоқлар 125 тага тенг бўлиб, улар жами қишлоқ аҳоли пунктларининг 21,5 фоизини ташкил этган. Бундай қишлоқлар туманлар бўйича турлича тақсимланган. Жумладан, Андижон (26 та), Бўз (22 та), Жалақудуқ (15 та) туманлари аҳолиси 1000 кишигача бўлган қишлоқлар сони энг кўп булган гуруҳга киритилган. Мазкур туманлар кичик қишлоқлар сонининг кўплиги билан алоҳида ажралиб туради.

Иккинчи гуруҳга эса қишлоқлар сони 10 дан 15 тагача бўлган Шаҳрихон (10 та), Улуғнор (10 та), Қўрғонтепа (11 та) туманлари кирган. Учинчи гуруҳ-

га тегишли туманлар аҳоли сони 1000 кишигача бўлган қишлоқлари сонининг камлиги бўйича алоҳида ажралиб туради. Улар жумласига Асака, Балиқчи, Олтинкўл, Избоскан, Хўжаобод туманлари киритилган. Бундай гуруҳларнинг вужудга келишига, энг аввало, уларнинг табиий-географик шарт-шароитлари катта таъсир кўрсатган.

2008 йилда Андижон вилоятида аҳолиси 1000-3000 кишигача бўлган ўрта катталикдаги қишлоқлар 291 тани ташкил этган. Улар вилоят жами қишлоқ аҳоли пунктларининг 50 фоизига тенг бўлган. Бундай қишлоқларнинг мутлоқ сони бўйича Балиқчи (58 та), Олтинкўл (41та), Жалақудуқ (27 та), Пахтаобод (25 та), Шаҳрихон (23 та) туманлари алоҳида ажралиб турса, Булоқбоши (7 та), Хўжаобод (10 та), Марҳамат (5 та) туманлари ўрта қишлоқларнинг камлиги билан характерланган. Қолган туманлар ўрта гуруҳга кирган.

Аҳолиси 3000 дан 5000 кишигача бўлган катта қишлоқ аҳоли пунктлари Ўзбекистонда жами 890 ни ташкил қилган бўлса, Андижон вилоятида уларнинг сони 106 та бўлган. Улар жами қишлоқларнинг 18 фоизига тўғри келган. Уларнинг асосий қисми Асака (28 фоиз) ва Шаҳрихон (13 фоиз) туманларида жойлашган. Республика миқёсида эса Наманган, Фарғона вилоятларидаги унумдор ҳамда суғориш манбаларига қулай ҳудудларда катта қишлоқлар шаклланган (Наманганда 107 та, Фарғонада 107 та).

Аҳолиси 5000 дан ортиқ бўлган қишлоқлар гуруҳи аҳоли сонининг ўта катталиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон, хусусан, Андижон вилояти шароитида аксарият қишлоқлар ва уларнинг аҳолиси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлса, аҳолиси 5000 киши ва ундан ортиқ бўлган қишлоқлар муайян ишлаб чиқариш салоҳияти билан ҳам ажралиб туради.

Ўзбекистонда аҳолиси 5000 кишидан ортиқ бўлган йирик қишлоқ аҳоли пунктларининг сони 301 тани ташкил қилса, бу жиҳатдан Андижон вилояти алоҳида кўзга ташланади (59 та). Йирик қишлоқлар вилоят жами қишлоқ аҳоли пунктларининг 10 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, йирик қишлоқларнинг деярли ярми Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳудудида жойлашган.

Таъкидлаш жоизки, Андижон вилоятининг табиий-географик шароити, рельеф хусусиятлари, дарё ва сойларнинг мавжудлиги, аҳолининг кўп сонли ва зич жойлашганлиги натижасида қишлоқ аҳоли жойлашувининг йирик тизимлари вужудга келган. Бу тизимда эса йирик қишлоқлар алоҳида ҳалқани ҳосил қилади. Вилоятдаги йирик қишлоқлар, одатда, дарё ва сой бўйларидаги унумдор ерларда, транспорт коммуникацияларига қулай ерларда, сойларнинг тугаш қисмида вужудга келган. Чунончи, Ўзбекистонда ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктининг ўртача аҳолиси 2008 йили 1353 кишини ташкил қилган бўлса, Андижон вилоятида бу кўрсаткич 2505 кишига тўғри келган (Наманган - 2496 киши).

Шу билан бирга, қишлоқларнинг зич жойлашганлиги, ўз навбатида, улар орасидаги масофанинг кичик бўлишига олиб келган. Масалан, Андижон вилоятида қишлоқлар орасидаги ўртача масофа 2 км ни ташкил этса, бу миқдор Фарғона, Наманган, Тошкент ва Хоразм вилоятларида 3,5-4 км.га тўғри келади.

Андижон вилоятида мавжуд жами қишлоқ аҳоли пунктларининг 50 фоизини ўрта катталикдаги, 10,3 фоизини эса йирик қишлоқлар ташкил этади. Вилоятнинг қулай табиий-иқлим шароити аҳолининг мана шундай жойлашув тизимларининг вужудга келишига сабаб бўлган. Балиқчи, Олтинкўл, Пахтаобод, Жалақудуқ туманлари аҳолисининг аксарият қисми ўрта катталикдаги қишлоқларда истиқомат қилса, Асака, Избоскан, Шаҳрихон, Марҳамат туманларида аҳоли асосан катта ва йирик қишлоқларда яшайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш жоизки, қишлоқ аҳоли пунктларининг вужудга келиши асосан ҳудудларнинг табиий-иқлимий, иқтисодий, ижтимоий-демографик ҳусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ: кичик қишлоқлар чўл, дашт, тоғ минтақаларида таркиб топса, одатда, йирик қишлоқлар суғорма деҳқончилик районларида, йирик шаҳарлар атрофида, муҳим транспорт йўллари яқинида шаклланади. Шунга мос равишда қишлоқ жойларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятлари, ҳусусиятлари намоён бўлади.

Маълумки, қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудий тизимлари табиий, иқтисодий, ижтимоий, тарихий хусусиятлар билан белгиланади. Шунга кўра, қишлоқлар ҳудудда ўзига хос геометрик шаклларда жойлашади. Хусусан, Андижон вилояти шароитида қишлоқ аҳоли пунктларининг компакт типлари вужудга келган ва ўз навбатида улар “ғуж” жойлашув кўринишига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида жами бўлиб 965 та қишлоқ аҳоли пункти шаҳар посёлкалари тоифасига киритилди. Натижада қишлоқ аҳоли пунктларининг таркибий ва ҳудудий тузилишида маълум ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, Андижон вилоятида жами 78 та қишлоқ аҳоли пунктига шаҳарча мақоми берилди. Бу мамлакатда ташкил этилган жами шаҳарчаларнинг 8 фоизини ташкил этади.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, шаҳар

посёлкалари тоифасига киритилган шаҳарчаларнинг сонига кўра Фарғона (196 та), Қашқадарё (118 та), Наманган (109 та), Сурхондарё (107 та) вилоятлари етакчилик қилмоқда. Уларда республикада ташкил этилган жами шаҳарчаларнинг ярмидан ортиқ қисми мужассамлашган. Юқорида номлари келтирилган вилоятлар ўзларининг демографик салоҳияти билан бошқа минтақалардан кескин фарқ қилади. Жумладан, мазкур вилоятларда аҳоли сонининг мутлоқ кўплиги, унинг ўсиш хусусиятлари, урбанизация даражасининг пастлиги каби жиҳатлар яққол кўзга ташланади. Шу боис янги шаҳар аҳоли пунктларининг ташкил этилиши муносабати билан уларда аҳоли билан боғлиқ ижтимоий-демографик муаммолар ижобий ҳал этилиши мўлжалланган.

Андижон вилоятида шаҳарчалар тоифасига киритилган қишлоқ аҳоли пунктлари аҳоли сонига кўра йирик қишлоқлар гуруҳига кирган ҳамда уларнинг жойлашуви ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Чунончи, ушбу шаҳарчалар, асосан, шаҳарлар атрофида, шу билан бирга, суғорма деҳқончилик маданияти юксак ривожланган ҳудудларда вужудга келди. Ўз навбатида, уларда шаҳарларга хос бўлган турмуш тарзи, ишлаб чиқариш тармоқлари ва инфратузилма объектлари мавжуддир. Қишлоқ жойларда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши, аҳоли бандлик таркибининг ўзгариши, транспорт инфратузилмасининг тараққий этиши вилоят қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудий таркиби такомиллашувининг муҳим омили ҳисобланади.

Маълумотларга таяниб, шаҳарча тоифасига киритилган қишлоқ аҳоли пунктлари сонининг кўплиги бўйича Андижон (18 та), Олтинкўл (11 та), Марҳамат туманларини таъкидлаш жоиз. Мазкур туманларда вилоятда янги ташкил этилган шаҳарчаларнинг деярли ярми жойлашган.

Урбанистик сиёсат натижасида 2009 йилда Андижон вилояти қишлоқ аҳоли пунктлари географиясида маълум ўзгаришлар кузатилди. Жумладан, хозирги кунда аҳолиси сони 500 кишигача бўлган кичик қишлоқлар 24 тани ташкил этиб, улар жами қишлоқ аҳоли пунктларининг 5 фоизини ўзида мужассамлаштиради. Туманлар даражасида бундай қишлоқларнинг сони Бўз туманида 9 та бўлиб, тумандаги жами қишлоқларнинг деярли 38 фоизига тўғри келади. Аҳолиси сони 500-1000 кишигача бўлган қишлоқлар вилоятда жами 52 та, уларнинг улуши жами қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг 11 фоизни ташкил қилади. Жалақудуқ (13 та), Бўз (9 та), Улуғнор (7 та) туманларида бундай катталикдаги қишлоқлар бошқа туманларга қараганда кўпроқ вужудга келган. Жумладан, аҳоли сони 500-1000 кишигача бўлган қишлоқлар Жалақудуқ туманида 25 фоиз, Улуғнор туманида 13.5 фоиз, Бўз туманида 17 фоизини ташкил этади. Ўрта катталикдаги қишлоқлар вилоят жами қишлоқларининг деярли ярмини эгаллайди (231 та). Туманлар миқёсида ўрта қишлоқларнинг жойлашувида ҳудудий фарқлар кўзга ташланади. Чунончи, Баликчи (30 та), Жалақудуқ (26 та), Избоскан (26 та), Шаҳрихон (26 та), Қўрғонтепа (20 та) туманлари мазкур гуруҳга кирувчи қишлоқларнинг кўплиги билан ажралиб турса, аксинча, Марҳамат, Хўжаобод, Андижон ва Булоқбоши туманлари уларнинг камлиги билан характерланади. Катта қишлоқлар, яъни аҳоли сони 3000-5000 кишигача бўлган қишлоқлар жами 124 та бўлиб, уларнинг вилоят қишлоқ аҳоли пунктлари сонидаги улуши 27 фоизга тўғри келади. Катта қишлоқларнинг аксарият қисми Асака, Избоскан, Олтинкўл, Пахтаобод, Шаҳрихон туманларида таркиб топган. Хусусан, Асака туманида катта қишлоқларнинг 30 (24 фоиз) таси жойлашган. Аҳоли сони 5000 дан кўп бўлган йирик қишлоқларнинг улуши 6 фоизга тенг бўлиб, уларнинг сони 28 тага етади. Уларнинг аксарият қисми Асака (3 та), Шаҳрихон (8 та), Қўрғонтепа (5 та), Избоскан (3 та) туманларида шаклланган. Улуғнор, Хўжаобод, Бўз туманлари йирик қишлоқ аҳоли пунктлари ҳозирда мавжуд эмаслиги билан тавсифланади.

Демак, қишлоқ аҳоли пунктларининг тарихан таркиб топган ва такомиллашиб бораётган бундай тизими ижтимоий инфратузилма элементларининг ҳудудий ташкил этилиши ҳамда ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Жумладан, қишлоқларнинг катта-кичиклиги, улар орасида ўзаро масофанинг яқинлиги, бандлик хусусиятлари каби жиҳатларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Солиев А., Бўриева М., Тожиева З., Назаров М., Мухамедов О., Атажонов М. Қишлоқ жойлар демографияси.- Т., 2005, - 140 б.

2. Солиев А.С., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси).- Т.2009.- 212 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори.

Андижон давлат университети,
2010 йил 5 октябрда қабул қилинган.
(Тақризчи: доцент М.Мамажонов)